

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Каттакўрғон тумани йуллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси  
ввб.бошлиғи И.Ачилов**



“ \_\_\_\_\_ 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Каттакўрғон -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Каттакўрғон туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасига техника хизматини курсатиш

Танлов охириги қиймати – Каттакўрғон туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасига техника хизматини курсатиш 115 000 000 (бир юз ун беш миллион) сўм.

Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттакўрғон туман ЙФУК (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Муллакурпа МФЙ Муллакурпа қишлоғи.

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Каттакўрғон туман ЙФУК «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйдаги малакавий талаблар қўйилади:

2020-2021 ва 2022 йил охириги ҳисобот давригача бўлган муддатда корхона томонидан бажарилган иш ва сотилган товарларнинг солиқдан яширилмаганлиги бўйича баҳолаш. Ушбун аниқлаш учун кўрсатилган муддат бўйича “soliqservis.uz” дастуридан олинган икки томонлама электрон тасдиқланган штрих коди мавжуд барча фактураларнинг номма-ном “pdf” шаклидаги рўйхати тақдим қилиниши шарт

- Корхонада ишловчи раҳбар ва ходимларга 2021-йил ва 2022 йил сентябр ҳолатига ҳисобланган иш ҳақи самарадорлигини баҳолаш. Таклифни баҳолаш учун 2021й декабр ва 2022й сентябр ойи жисмоний шахслардан олинандиган даромад ва ижтимоий солиқ ҳисоботига бириктирилган раҳбар ва ходимларнинг исмлари номма-ном келтирилган 5-иловаси (list01) тўлиқ тақдим этилиши

шарт. Корхонанинг ташкил этилганидан бажарган курилиш иши кўрсатилган давр оралиғида бошланган бўлса, ўша даврдан олдинги ой ҳисоботининг 1-варағи (list01) ҳам тақдим этилиши шарт.

- Корхонанинг балансида ёки корхона раҳбарининг номида бўлган техникаларнинг мавжудлиги бўйича баҳолаш. Ушбу талабга таклифни баҳолашда техникаларнинг техпаспорти ва рақами кўрсатилган расмлари скриншот, jpg, jpeg формат усулида ёки ушбу усулларни ўз ичига олган pdf ёки "word" шаклида илова қилиниши шарт.

-2021-2022й охиригача муддатда бажарилган ишлар ва сотилган маҳсулотларга нисбатан тўланган жами солиқ тўловларининг улуши бўйича баҳолаш. Кўрсатилган муддатлар учун банкнинг барча ҳисобрақамларидаги айланма маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумоти (маъл-да операция бўлган сана, пул келиб тушган ташкилот ва пул чиқиб кетган ташкилотнинг реквизитлари, оборот дебет ва кредит сумма ҳамда тўлов мақсади бўлиши шарт. Ҳар бир варағига банк ўз муҳри ёки штамп, имзоси билан тасдиқлаб бериши шарт) ҳамда кўрсатилган даврлардаги тўлиқ "pdf" шаклидаги штрихли солиқ солиштирма далолатномалари тақдим этилиши зарур.

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предменти булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

3.5. Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачм" ва "Иштирокчи" ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўқшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида икки кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган

- шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.